



ЎҚМ ВА УНГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ- ЎҚУҚИЙ ТАЎЛИЛИ

Обидов Толибжон Авазхонович

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

akrom.tojibayev@mail.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-04>

ARTICLE INFO

Received: 23th January 2023

Accepted: 02nd February 2023

Online: 03rd February 2023

KEY WORDS

Ўқм, одил судлов, суд, ҳукми
вазифаси, ҳукмларнинг
умуммажбурийлик
хусусияти, жиноят-
процессуал, шахс, жиноят,
содир этиш, ислоҳотлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят-процессуал ҳужжат ҳисобланган ҳукмнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, ҳукм тушунчасини изоҳлашда қўлланилган элементлар таҳлили баён қилинган. Бундан ташқари, ҳукм тушунчасига оид миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари баён қилинган.

Ўқуқий демократик давлатда ҳақиқат ва адолат ҳар соҳанинг асосий мезони бўлмоғи лозим. Ҳозирда Республикамиздаги барча қонунлар Конституцияга, Конституциямиз эса халқ манфаати, жамият манфаатларига тўла мос келади.

Янги Ўзбекистонда ислоҳотларнинг долзарб бўғини бўлган қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасида стратегик қадамлар ташланмоқда. Шубҳасиз, бу туб ўзгаришлар халқ манфаатлари йўлида олиб борилаётган амалий ишларнинг ифодасидир. Масалан, ўтган 4 йил мобайнида 2770 нафар, 2020 йилда 781 кишига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, 3434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5958 фуқарога нисбатан асосиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилди ёки ўзгартирилди. Бу, шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган улкан ютуқлардан биридир¹.

Адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун жиноят процессининг барча босқичларида қонунларга оғишмай амал қилиниши, ҳар бир жиноят иши синчиклаб ўрганилиши, текширилиши ва ҳар бир шахснинг содир этган жиноий қилмишига яраша одил судлов ҳукми чиқарилиши талаб этилади. Одил судлов деганда жиноят ишларини қонунга, ички ишончга ва ҳуқуқий онгга мувофиқ мазмунан кўриш ҳамда ҳал қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси ва Жиноят-

¹Суд-ҳуқуқ тизимидаги стратегик ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда.
<https://strategy.uz/index.php?news=1442>



процессуал Кодексининг 23-моддасида айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбсиз ҳисобланиши таъкидланган².

Демак, шахсни жиноят содир этишда айбли деб топиш, унга нисбатан жазо чораларини қўллаш ёки уни жазодан халос этиш масалалари одил судловнинг энг асосий ҳужжати бўлмиш ҳукмда ўз аксини топади. Агар чиқарилган ҳукмлар қонун талабларига мос келмаса, яъни улар ноқонуний, асосланмаган, адолатсиз бўлса, бегуноҳ инсоннинг ҳаётига путур етиши, жиноят содир этган шахс жазодан қутулиши, халқимизнинг осойишталигига раҳна солиниши ҳамда инсонларда судга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлиши мумкин.

Суд ислоҳотларини жадаллаштириш, ҳокимиятнинг учинчи мустақил тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш - ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, суднинг мавқеини янада ошириш масаласи долзарблик кашф этган бугунги кунда одил судловнинг энг муҳим ҳужжати бўлган суд ҳукми, шу жумладан суд ҳукмининг ижро этилишида таяниладиган қарор қисми қонунийлик, асослилиқ ва адолатлилиқ талабларига тўла жавоб бермоғи лозим.

Бутун суд тизими фаолиятининг тарбиявий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти суд муҳокамасининг якуний натижаси ҳисобланган ҳукмга узвий боғлиқдир.

Масалан, ҳукмнинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги аҳамияти шундаки, Судлар тўғрисидаги қонуннинг Айбсизлик презумпцияси деб номланган 16-моддасига мувофиқ, айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади³.

Ҳозирги вақтда суд ҳукмларининг барча қонуний талабларга жавоб бериши учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ўз ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини инobatга олишимиз ҳамда таъкидлашимиз мумкин, суд томонидан чиқарилган барча ҳукмлар ҳам юқоридаги юксак талабларга жавоб бермайди. Тушунарсиз ифодаланган, етарлича асослантирилмаган, ҳукм чиқаришда суд томонидан ҳал қилинадиган масалалар ноаниқ баён этилган ҳукмлар чиқариш ҳоллари ҳануз учраб туради. Фикримизча, бу ҳолатлар ҳукмларнинг қарор қисмини қонунийлигини текшириш ва ижросини таъминлашни қийинлаштириб, уларнинг превентив ва тарбиявий аҳамиятини пасайтиради.

Масалан, 2020 йилнинг биринчи чорагида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ҳисобот даврида жами 5137 та назорат шикояти (протести) келиб тушган. Улардан 2669 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 189 таси кўрмасдан қайтарилган, 690 таси жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриш учун ўтказилган, 1386 таси ҳисобот даврининг охирида қолдиқда қолган. Шундан 395 та

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/acts/20596>.

³ Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни. 2021 йил 28 июль, ЎРҚ-703-сон. <https://lex.uz/docs/5534923>



шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 352 та шикаят (протест) қаноатлантирилган, 43 та шикаят (протест) рад қилинган.

Жумладан, 303 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, 35 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 63 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилмай жазо чораси камайтирилган, 8 нафар шахснинг малакаси ўзгартирилмай жазодан озод қилинган, 3 нафар шахсга оид суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 490-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган асосларда, 13 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари эса, бошқа асосларга кўра ўзгартирилган⁴.

Ҳукмда ушбу ҳужжатни тузган судьянинг касб маҳорати, юридик ва умумий маданиятининг даражаси яққол намоён бўлади. Ҳукм тузиш судьялик фаолиятининг одатий турларидан бири эмас, балки у санъат, ижодкорлик, десак муболаға бўлмайди. Ҳукмни тузиш санъатини эгаллаш учун судья тинмай изланиши, илмий салоҳиятини узлуксиз ошира бориши лозим.

Ҳукм чиқариш, унда маълумотларни раво, изчил, қисқа матнда тушунарли баён этиш судьядан аввало билим, ақл-фаросат, сергаклик, зийраклик, ўқув ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Судда тадқиқ этилаётган турли-туман ҳаёт шароитлари, суд муҳокамасида иштирок этаётган судланувчи ва бошқа шахслардаги индивидуал белгиларнинг хилма-хиллиги ҳар бир жиноят ишида ўзига хос хусусият бахш этади. Шунинг учун муайян жиноят ишлари бўйича ҳукмлар чиқаришда маълум қолипларга боғланиб қолмаслик, ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш муҳимдир.

Ҳар бир яқуний суд ҳужжатининг заминидан инсон тақдири, унинг ҳақ-ҳуқуқларига доир масала ётади. Шундай экан, давлатимизнинг энг катта бойлиги бўлган халқимиз тинч, хотиржам ва осуда ҳаёт кечириши ва ҳар қандай жиноий тажовузлардан муҳофазаланиши учун қонуннинг барча талабларига жавоб берадиган ҳукмлар чиқаришга астойдил интилиш даркор. Демак, суднинг энг муҳим ҳужжатларидан бири – ҳукм, инсон тақдири билан боғлиқ бўлганлиги ва унга қонун томонидан юксак талаблар қўйилганлиги ушбу масалани чуқур ўрганишни тақозо этади

Жиноят процессида давлатнинг ваколатли органлари томонидан чиқариладиган ҳукм ёки бошқа қарорлар ҳуқуқий табиатига кўра ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари сифатида намоён бўлади⁵. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг расмий шакли ҳамда натижаси ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, шу жумладан суд ҳукмида ифодаланади. Ҳукм орқали ваколатли органларнинг маълум юридик иш юзасидан қабул қилган қарори мустаҳкамланади ва у қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори. Олий суд Раёсатининг 2020 йил 28 майдаги РС-23-20-сонли қарорига 1-ИЛОВА.1 бет.

⁵ Ворожцов С.А. Приговор в уголовном процессе: Практическое пособие. –М.: Юрайт-Издат, 2003. –Б.146; Ботин А.Г. Как правильно составить судебные документы: приговоры, кассационные определения. –М.: Инфра-М, 2003. –Б.233.



- 1) ҳукм ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси, жиной процессуал муносабатлар бўйича давлатнинг ваколатли органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш ваколатини амалга оширишда қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади;
- 2) ҳукм давлат-ҳокимият амрини мужассам этиб, кимларга йўналтирилган бўлса, ўша шахсларнинг барчаси томонидан риоя этилиши ва бажарилишининг мажбурийлиги давлат кучи орқали таъминланади;
- 3) ҳукм қонунда белгиланган, аниқ шаклга эга;
- 4) ҳукм ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларини тартибга солишга қаратилиб, ундаги қарорлар муайян шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари, турмуш тарзи, шароитларидан келиб чиққан ҳолда қатъий индивидуаллаштирилади.

Бундан ташқари қабул қилинган ҳамда қонуний кучга кирган ҳукм қуйидаги кўринишларда бўлади:

ҳамма учун мажбурий – суд томонидан қабул қилинган қарорлар кучга киргандан кейин ҳамма давлат органлари учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади;

ўзига хос ягона бўлади – бир иш бўйича қонуний кучга кирган ҳукм юзасидан ўша айблов ва масала юзасидан жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлмайди⁶.

Турли ҳуқуқшунос олимлар ҳукм тушунчасини изоҳлашда турли хил ёндашувларга таянишган. Уларни бирма бир таҳлил қилсак.

К.Ф.Гуценконинг фикрича, ҳукм - ўзида давлат ҳокимиятининг амрини акс эттирувчи, муайян шаклга эга бўлган ва ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солишга қаратилган, алоҳида юридик иш бўйича қабул қилинадиган расмий қарордир⁷. Ушбу фикр ҳукмнинг энг муҳим жиҳатларини яъни жиноят ишига оид масалаларни ҳал этишини назарда тутмаган ва ҳукмнинг индивидуал хусусиятларини акс эттирмаган, балки уларни умум назарий жиҳатдан баён қилган холос. Ушбу тушунчани қарорга, ажримга ёки бошқа процессуал ҳужжатларга нисбатан ҳам бемалол қўлласа бўлади.

Н.П.Матузов А.В.Мальколарнинг фикрича, ҳукм – суд муҳокамаси жараёнида чиқариладиган ва судланувчининг айбдор ёки айбсизлигини, айбдор бўлганда унга нисбатан жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилишга қаратилган суд қарори ҳисобланади⁸.

Ушбу тушунча олдингисига нисбатан аниқроқ бўлсада ҳукмнинг ҳамма жиҳатларини тўлиқ қамраб олмаган. Чунки ҳукмда нафақат шахснинг айбдор ёки айбсиз эканлиги балки етказилган зарар, ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш каби масалалар ҳам мавжуд бўлади.

Ҳукми бошқа ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларидан бири унинг фақат одил судловни амалга оширувчи судлар томонидан, қонунчиликда белгиланган процессуал тартибда қабул қилиниши ва

⁶ Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Под ред. К.Ф.Гуценко Изд. 3-е, перераб. И доп. – М.: Издательство Зерцало, 1999. 376 с. (608 с.)

⁷ Матузов Н.П., Малько А.В. Теория государства и права. –Саратов: 1995. –Б.348-349.

⁸ Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. Под ред. К.Ф.Гуценко Изд. 3-е, перераб. И доп. – М.: Издательство Зерцало, 1999. 375 с. (608 с.)



жиноят иши бўйича асосий масалаларнинг ечимини ўзида акс эттиришидир⁹. Ушбу таъриф ҳам умумназарий ҳукмга таъриф ҳисобланиб, унинг барча жиҳатларини қамраб ололмаган.

А.Ю.Таджибаеванинг фикрича, суд ҳукми – биринчи инстанция суди томонидан асосий суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган ягона ҳужжат бўлиб, судланувчининг айбдор ёки айбсиз эканлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик, шунингдек, судланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал қилади¹⁰.

Ушбу тушунчадан келиб чиқадиган бўлсак ҳукм фақатгина биринчи инстанцияда қабул қилинади. Аммо Жиноят-процессуал кодексининг 497³¹-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди ҳукм ва ажрим чиқариши мумкин ҳисобланади. Ушбу тушунча ҳам ҳукм тушунчасининг ҳамма жиҳатларини қамраб олмаган ҳисобланади.

Профессор З.Ф.Иноғомжонова эса, ҳукм Республика номидан чиқариладиган ягона ҳужжатдир. Демак, ҳукмнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги заминда давлатнинг обрўи, халқпарварлиги ҳамда адолатпешалиги мавжуд. Шундан келиб чиқиб, ҳукми сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат деб аташ ҳам мумкин¹¹. Ушбу тушунчага тўлиқ қўшилиш мумкин. Аммо бу тушунча ҳам ҳукмнинг тўлиқ аҳамиятини акс эттирмаган.

А.А.Муҳаммадиев фикрича, ҳукм давлат томонидан жиноятни содир қилганликда айбдор шахсга танбеҳ бериш ва уни адолатли жазога тортиш, маҳкумнинг қонунга бўйсунishi ва жиноятига яраша жазони олишидир. Ҳукм ягона ҳужжат бўлиб, унда судланувчи бир неча жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, муайян содир этган жинояти учун айбдор деб топилиб, унга жазо белгиланади, содир этмаган жиноят бўйича айбсиз деб топилиб, оқланади¹², деб ёзади. Ушбу тушунча фикримизча, ҳукмнинг бир турини яъни айблов ҳукмини изоҳлашга бағишланган ҳисобланади. Унинг оқлов турини эса акс эттирмаган бўлиб, тўлиқ тушунча сифатида баҳолаш қийин.

Айрим олимларнинг фикрича, ҳукм одил судлов ҳужжатларидан энг муҳими ҳукм ҳисобланади¹³. Бу фикр тўғри аммо ушбу ҳолат биринчи инстанцияга тегишли фикр ҳисобланади. Бошқа инстанцияларнинг эса ўз муҳим ишни мазмунан ҳал қиладиган ҳужжатлари мавжуд.

Одил судлов ҳужжатларидан бўлган ҳукм, И.Д. Перловнинг фикрича, “суднинг барча ҳаракатларини, яъни судьяларнинг маслаҳатлашув усули ҳамда ҳукм чиқариш

⁹ Иноғомжонова З.Ф. Суд ҳукмига қўйилган талаблар. // Қонун номи билан. -1994. -№4. –Б.34.

¹⁰ Таджибаева А.Ю. Жиноят процессида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослигини таъминлаш. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2010 йил. 9 бет. (200 бет).

¹¹ Иноғомжонова З.Ф. Суд ҳукмига қўйилган талаблар // Қонун номи билан. – 1994. – № 4. – Б.34.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 507, 517.

¹³ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширишда суд назорати: Монография / Масъул муҳаррир: профессор М.Ҳ.Рустамбоев. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 21.



услубини қамраб олади”¹⁴. Ҳукм барча ҳаракатларни ҳукмда акс эттириш имкони мавжуд эмас, шу сабабли бу тушунчага ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

И.П.Попованинг фикрича, ҳукм - одил судолов ҳужжати бўлиб, давлат номидан судьялар ўртасида маслаҳатлашган ҳолатда суд муҳокамаси жараёнида аниқланган далилларга берилган баҳони акс эттирувчи суд қароридир¹⁵. Ушбу тушунчада ҳукмни фақатгина судьялар маслаҳатлашиб чиққариши акс этган бўлган, ушбу қоидада якка судья томонидан иш кўрилиш ҳолати назарда тутилмаган.

Н.П.Матузов, А.В.Мальколарнинг фикрича, ҳукм - бу давлат ҳокимиятининг амрини ўзида акс эттирувчи, муайян шаклда бўлган ва ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солишга қаратилган, алоҳида юридик иш бўйича қабул қилинадиган расмий қарор ҳисобланади”¹⁶.

Ҳуқуқни қўлловчи бошқа ҳужжатлардан ҳукмнинг фарқи шундаки, ҳукм жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибда одил судловни амалга оширувчи судлар томонидан қабул қилиниб, жиноят иши бўйича асосий юридик саволларнинг жавобини ўзида акс эттиради.

Юқоридаги тушунчалардаги назарий фикрларни умумлаштирган ҳолатда фикримизча, ҳукм – *Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарадиган, судьяларнинг онгли фикрлаш фаолияти яъни қонун ва ички ишонч, адолат мезонларига таянадиган, шакл жиҳатдан содир этилган ҳодиса ёки жиноят ҳодиса бўйича берилган жиноий-ҳуқуқий баҳо ҳамда жиноят туфайли келиб чиққан ҳуқуқий оқибатларни бевосита ва холисона акс эттириш, жиноят содир этилган тақдирда шахсга нисбатан жазо ёки бошқа жазо чораларини қўллаш, етказилган зарарни қоплаш, судланувчининг айбсиз бўлганда жиноят содир этмаганлиги ва унинг оқланишини акс эттирувчи процессуал ҳужжат ҳисобланади.*

References:

¹⁴ Перлов И.Д. Приговор в уголовном процессе. -М.: Госюриздат., 1960. –Б.50.

¹⁵ Попова И.П. Свойство обвинительного приговора в Российском уголовном судопроизводстве. Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2015. №1. 51 с.

¹⁶ Матузов Н. П., Малько А. В., Теория государства и права. Саратов, 1995 йил, 348-349 бетлар.